

Дуолар ижобат бўладиган кун



13:08 / 15 июнь 924

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «**Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Арафа куничалик Аллоҳ бандани дўзахдан кўпроқ озод қиласиган кун йўқдир. Албатта, У зот яқинлашиб келади ва улар билан фаришталар олдида фахрланиб: «Анавилар нимани хоҳлашяпти?» дейди».**

Имом Муслим ривояти.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «**Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дуоларнинг энг афзали Арафа кунидаги дуодир. Мен ва мендан олдинги Пайғамбарлар айтган дуонинг энг афзали: «Ла илаҳа иллаллоҳу вахдаҳу ла шарийка лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр»** - дедилар.

Имом Термизий ривояти.

Ибн Абдул Бар «**Мазкур ҳадис арафа кунининг дуоси кўпинча мақбуллиги ва энг афзал зикр «Лаа илаҳа иллаллоҳ» эканига далилдир», деди.**